

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 74-ҳадис

74 - وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَمِعْتُمُ النِّدَاءَ، فَقُولُوا كَمَا يَقُولُ الْمُؤْذِنُ». مُتَّقَّ عَلَيْهِ.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Аzonни эшитганингларда муаззин нима деса, ўшани айтинглар»,** дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Муаззиннинг азонини эшитган пайтимиизда дунё ва охиратдаги ютуққа эришиш воситаси бўлган намозга чақириқ эканий боис, ушбу раббоний нидонинг ҳурматини бажо келтиromoғимиз лозим. Расулуллоҳ с.а.в.нинг бу хусусдаги кўрсатмалари- аzonни эшитилганида уни қайтариб туришdir. Такрорлаб айтиб туриш билан айтилган сўзларни тасдиқлаб, икror бўлиш маъноси ҳам бордир. Бу иш осон бўлиши билан бирга, савоби ҳам улуғdir. У нарса Қиёмат куни Пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоатларига сабаб бўлади.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Мусулмон киши аzonни эшитишга ошиқади.
2. Мусулмон киши савобни қўлга киритиш учун аzonни қайтариб туради.
3. Аzon эшитган пайтимиизда нидога ҳурматан ишларимизни тўхтатиб турамиз.
4. Мусулмон киши бошқа биродарларига аzonни қайтариб туриш фазилатини эслатиб туради.



NUBUVVAT MARVARIDLARI